2011 йил 24 февраль, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 39 (11.850)

Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Миллий университети билан ҳамкорликда давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш лойиҳасини амалга ошириш агентлигининг Қашқадарё вилояти филиали ташаббуси билан деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги ходимларининг ҳудудий ўқув-семинари ташкил этилди. Мазкур тадбир «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш, 2-босқич» лойиҳаси доирасида ўтказилди.**

**● Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида битирувчиларни касбга йўналтиришнинг ҳуқуқий масалалари: муаммо ва ечимлар мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Нукусдаги республика онкология диспансери қиймати 350 миллион сўмлик «АГАМ-Р1» русумли замонавий ускуна билан таъминланди. Эндиликда шифо масканида ушбу жиҳоз ёрдамида нафақат хасталикларга аниқ ва тезкор ташхис қўйиш ва олдини олиш, ҳатто уларнинг оғирлашган турларини ҳам самарали даволаш имконияти юзага келди. 2010 йилда Оролбўйидаги тиббиёт муассасаларида 9 миллиард сўмликдан ортиқ капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, улар 2 миллиард 847 миллион сўмлик замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.**

**● Андижон вилоятининг Асака туманидаги «Асакатекстиль» масъулияти чекланган жамиятида лойиҳа қиймати 515 минг АҚШ долларилик техник ва технологик янгиланишлар амалга оширилди. Натижада бу ерда йилига қўшимча 500 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Муҳими, маҳсулот сифати яхшиланиб, корхонанинг хориж бозоридаги мавқеи янада мустаҳкамланди. Хусусан, «Асакатекстиль» жамоаси 2010 йилда умумий қиймати 17 миллиард сўмлик маҳсулотнинг 91 фоизини экспорт қилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Янги Зеландияда уч кунлик мотам куни бошланди. Бу ерда сўнгги 80 йил давомида энг мудҳиш зилзила содир бўлди. Натижада аҳоли зичлиги жиҳатидан мамлакатда учинчи ўринда турувчи Крайстчёрч шаҳри бутунлай харобага айланди. Кўп одамлар вайроналар остида қолди. Ҳозиргача юзга яқин қурбоннинг жасади топилди. Қидирув ишлари тўхтатилгани йўқ. Мамлакат фавқулодда ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра, 6,3 баллни ташкил этган ер ости силкиниши яқин кунларда яна қайтарилиши мумкин. Шу боис, мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

**● Халқаро иқтисодий тадқиқотчилар ташкилоти Ванкуверни 2011 йилдаги энг мақбул шаҳар деб топди. Яратилган шарт-шароит, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жиҳатдан ижобий кўрсаткичга эришган шаҳарлар ҳар йили мазкур ташкилотнинг ўнталик рўйхатидан жой олади. Бу йил «энг мақбул шаҳар» деган мавқе Канаданинг порт шаҳрига насиб этди. Иккинчи ўрин Австралиянинг Мельбурн, учинчи ўрин эса Австриянинг Вена шаҳрига муносиб кўрилди.**

**● Сенегал Эрон Ислом Республикаси билан дипломатик муносабатларини тўхтатди. Сенегал Ташқи ишлар вазирлиги шундай баёнот берди. Хабарларга қараганда, ўзаро алоқанинг бузилишига Сенегал жанубидаги Казаманс шаҳрида айирмачилар ҳукумат аскарларини ўққа тутгани сабаб бўлган. Натижада икки ҳарбий ҳалок бўлган. Текширув жараёнида айирмачиларга Эрон махсус хизмати қурол-яроғ етказиб бергани маълум бўлди.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

## ҲАР БИР ФАРЗАНД МЕҲР ВА ЭЪТИБОРДА

**Мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган навқирон авлодни хасталиклардан асраш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бермоқда.**

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилаётир.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш – жамғарманинг доимий эътиборида. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг "Fridensdorf International" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган хайрли ишлар бунга мисолдир. Хусусан, ўтган йили лаб танглайида ва оёғида туғма нуқсони бор уч юзга яқин бола юртимиз шифохоналарида, ўнга яқин ўғил-қиз Германиянинг нуфузли клиникаларида жарроҳлик йўли билан даволанди.

Ўтган йилнинг май ойида малакали мутахассислар томонидан Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Бухоро ва Тошкент вилоятлари ҳамда пойтахтимиздаги 12 ёшгача бўлган тўрт юзга яқин бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Даволаниш учун ўнлаб болаларга имтиёзли йўлланмалар берилди.

Айни пайтда жамғарма томонидан юрагида туғма нуқсони бор болаларни соғломлаштириш йўлида Жанубий Кореядаги тиббиёт марказлари билан ҳамкорликда қатор лойиҳалар амалга оширилаётир. Ўтган йили Сеул миллий университетининг малакали мутахассислари юртимизга келиб, Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туманида истиқомат қилаётган аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди. Хасталик аниқланган беморлар малакали шифокорлар маслаҳати ва дори-дармон воситалари билан таъминланди. Бундан ташқари, туғма юрак нуқсони, терининг куйиш асорати, туғма қўл-оёқ бўғимлари хасталиклари билан оғриган 50 нафардан зиёд бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Жарроҳлик йўли билан юртимиз ва Жанубий Корея шифохоналарида ўнлаб бемор болаларнинг саломатлиги тикланди.

Жорий йилда мазкур ҳамкорлик доирасида жамғарманинг пойтахтимиздаги Тиббий-ижтимоий маркази қайта қурилиб, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Ҳозир марказда Жанубий Кореядан келган шифокорлар туғма юрак нуқсони бор болаларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда. Ҳозирга қадар 60 нафар бола тиббий текширувдан ўтказилди.

Ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган бундай хайрли ишлар баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Исроилнинг нуфузли нашрларидан бири «Менора» газетасининг махсус иловаси сифатида нашр этилган журналда газета бош муҳаррири Эстер Сегалнинг «Ўзбекистон — гўзал мамлакат» сарлавҳали мақоласи чоп этилди. Журнал саҳифалари Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойлари акс этган ранг-баранг фотосуратлар билан безатилган.**

## «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЙЎЛНИ БОСИБ ЎТДИ»

Мақолада Ўзбекистон ўзбек халқининг «турли миллатга мансуб миллионлаб инсонларга нисбатан олижаноблик ва меҳмондўстлик кўрсатгани боис Яратганнинг марҳаматига сазовор бўлган мамлакатдир, зеро, республиканинг сўнгги йилларда эришган салмоқли ютуқлари бунинг ёрқин далили бўла олади», дея таъкидланади.

Муаллифнинг ёзишича, Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган пайтдан бошлаб «Президент Ислом Каримов мамлакат ўзи танлаган тараққиёт моделига асосланган ҳолда ривожланишини маълум қилди. Қуйида ушбу қарорнинг тўғрилигини исботловчи бир мисолга эътибор қаратиш жоиздир.

2008-2009 йилларда оғир кечган молиявий-иқтисодий инқироз бутун дунёни ларзага солди. Иқтисодий бўҳрон энг авжига чиққан паллада, яъни 2009 йилда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиш суръати 8,1 фоизга ўсди. 2010 йил якунига кўра, иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичи 8,5 фоизни ташкил этди. Бу натижа Европа ва бошқа қитъаларда юз бераётган воқеаларни инобатга олганда, энг яхши кўрсаткичлардан биридир».

«Менора» газетаси бош муҳаррирининг таъкидлашича, Жаҳон банки ва Халқаро валюта жамғармаси ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон глобал инқироз оқибатларини муваффақиятли енгиб ўтгани ҳолда, бундай юқори кўрсаткичларга эришган мамлакатлар рўйхатига киритилган. Бу, ҳақиқатан ҳам, энг юксак эътирофдир.

Муаллифнинг фикрича, бирон-бир давлатга таъриф беришда унинг пойтахти, шаҳар ва қишлоқларига эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистонда диққатга сазовор жойлар кўп. Бунга мамлакатдаги замонавий архитектуранинг энг илғор йўналишлари ва Шарқнинг бой меъморий меросини ўзида мужассам этган кўплаб маҳобатли иншоотларни мисол сифатида келтириш мумкин. Кенг ва равон кўчалар, юзлаб янги мактаблар, коллежлар, маданият саройлари ва ижодиёт уйлари ҳам шулар жумласидандир.

Эстер Сегаль ўз мақоласида Ўзбекистоннинг энг олис ва чекка қишлоқларида ҳам аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш марказлари мавжудлиги, тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, янгидан қад ростлаётгани, миллий маънавий қадриятларни тиклаш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани ҳақида ёзади.

«Ўзбекистон мустақилликнинг 20 йили давомида асрларга татигулик йўлни босиб ўтди. Унга янгидан-янги зафарлар ва марраларни забт этмоғини тилаб қоламиз», дея ўз фикрига якун ясайди муаллиф.

**«Жаҳон» АА.**
Тель-Авив

**Пойтахтимизда «Миллатлараро тотувлик – тинчлик ва барқарорлик омили» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Байналмилал маданият маркази томонидан Республика қирғиз миллий маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда турли жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари, ёзувчи ва олимлар, миллий маданият марказларининг фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Давра суҳбатида қатнашганлар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган давлатлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши борасида олиб борилаётган эзгу ишларда миллатлараро тотувлик ва аҳиллик, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.**

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Давра суҳбатида хориждаги айрим марказлар ҳамда ахборот агентликлари томонидан Ўзбекистондаги миллатлараро тотувликка, минтақамиз халқларининг қадимий дўстлиги ва қардошлигига, жамиятимиздаги аҳиллик ва барқарорлик муҳитига раҳна солишга қаратилган ахборот хуружлари уюштирилаётгани ғаразли мақсадлардан бошқа нарса эмаслиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, бир неча хорижий ахборот агентликлари Ўзбекистонда яшаётган турли миллат вакиллари, жумладан, ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик, биродарлик алоқаларини бузишга қаратилган ахборотлар тарқатаётгани қайд этилди. Давра суҳбати иштирокчилари бундай ғараз ниятли ахборот хуружлари ҳақиқатга мутлақо тўғри келмаслигини таъкидлаб, ўзларининг кескин норозилик муносабатларини билдирди. Бундай ҳаракатлар замирида Ўзбекистондаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувликни издан чиқаришдек ғаразли ниятлар борлиги кескин қораланди. Бундай уринишларнинг олдини олиш эса юртимиздаги миллати, тили, диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқаролардан мустаҳкам ҳаётий позицияга эга бўлишни талаб этади. Бу барчамизни Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорликни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, турли ғараз ниятли информацион хуружларга нисбатан ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди.

– Ўзбекистонда бир юз элликка яқин миллий маданият маркази самарали фаолият кўрсатмоқда, – дейди Республика қирғиз миллий маданият маркази раҳбари Раҳматулла Жабборов. – Мамлакатимиз Конституциясида белгиланган Ўзбекистонда истиқомат қилаётган, миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, рўёбга чиқаришга оид тамойиллар ҳаётда ўзининг тўла ифодасини топмоқда. Буни фарзандларимиз ўз она тили – қирғиз тилида таълим олаётгани, қизиқиши бўйича касб-ҳунар эгаллаётгани, меҳнат қилаётганида ҳам кўриш мумкин.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** «Истиқлол» санъат саройида «Истиқлол умидлари» ёшлар фестивали ўтказилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбир доирасида болалар амалий ишлари кўргазмаси ҳамда концерт дастури намойиш этилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Бадиий академиясида ўтаётган «Таълим ва мутахассислик-2011» кўргазмаси доирасида **БУГУН** «Камолот» ЁИҲ томонидан ёшларни тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар билан таништириш мақсадида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** «Ташаббус-2011» кўрик-танловининг Учтепа туман босқичи бўлиб ўтади. Тадбирда «Энг яхши тадбиркор» ва «Энг яхши ҳунарманд» номинациялари бўйича эллик нафардан зиёд тадбиркор ва ҳунарманд беллашади.

